

АҲМАД АЪЗАМ

БУ КУННИНГ ДАВОМИ

Қисса

Квартирантга борасан, ишга келасан, ишга келасан, квартирангга борасан — торгина йўлакдан чиқмайсан; тегрангда—дунё, катта ҳаёт, сен эса йўлагингда димиқиб, жасадингни судраб бориб-келаверасан; яна ўй ўйлайсан: олдинда ўзингни нималар кутаётганини билишга уринасан...

Уёқда, қишлоқда кекса отанг эртадан-кечгача меҳнат билан банд; қўли бўшаса сени дуо қилади: “Шу ўғлимнинг йўлини оч!..”

Йўлинг беркми?

Кайвони онанг салобатингдан ғурур аралаш чўчиди: “Ҳали ўғлим бир катта одам бўлсинки!..”

Бўлармикансан, бўлармон бола?

Онангнинг: “Сен қаторилар...”, деб ran бошлагани заҳоти кўзига ёш келади, биладики, йиғлаб айтмаса, жеркиб ташлайсан. Шўрлик ҳеч тушунолмайди, нега уйланмайсан ахир, деяверади. Билмайдики, уйланиш ҳуснини товоққа солса ё солмаса ҳам бўладиган, ўзи тагли-тугли—онаси ундоқ, отаси мундоқ қиз билан бир ёстиққа бош қўйишнинг ўзидангина иборат эмас. Ахир, уйланиш учун ўртада... Хуллас, турмуш қуришнинг нималигини, қандай бўлиши кераклигини отанг билан эллик йилдан буён (тахминан шунча дейлик) сан-манга бормай, тинчгина яшаб келаётган онанг билмайди, сен биласан. Жуда билиб олгансан, шунинг учун ҳам уйланолмайсан. Отангдан ҳам бир сўраб кўрсанг бўлармиди: ота, сиз онамни кўнгил ккўйиб олганмисиз ё раҳматли катта онам шу қизни ол десалар, олаверганимисиз, деб. Отанг қулоғингнинг тагига ўхшатиб туширармиди! Сўрамасликка ақлинг етади: ўзбекчиликнингми, муҳаббатнингми меваси бўлиб, саккизта одам бир қориндан талашиб тушган, шулардан энг ноқобили, гапга кирмайдигани — сенсан, кенжаси.

Бир томондан ўйлайсан: кампир одам, уйланмаётганим унга катта армон, эҳтимол, сўнгги, умри узоқ бўлсин-у, сўнгги армонидир, одам ҳаётга бир марта келади; кампир ҳам қариган чоғида яна қайноналик хузурини кўрсин, мендан иноят, уйланиб юборсамми, дейсан, акалар уй қилиб чиқиб кетишган, опалар “отилган жойига тошдек тушган”, ҳовли бизга қолган, чол-кампирнинг ҳолидан хабар олиш — бизга тан, деган туппа-тузук ҳаёлларга ҳам борасан.

“Оқ уй — ошхонаси йўқ.” Шу гапни биринчи марта эшитганингда, қандай доно ran, турмуш — оқ уй, каминада фақат ошхона йўқ экан, кампирлар бунақа гапларни қайдан топади-я, деб ажаблангансан. Лекин кўп эшитаверганингдан кейин “ошхона солиш”дан юрагинг безиллаб қолган. Ичингда бир ўрлик пайдо

бўлиб, гўё уйлансанг, тутган йўлингдан чекиниб, одамларнинг гапи билан яшайдигандек.

Одамлар ҳам тинч қўйишмайди лекин, ҳадеб сўрайверишида: “Қачон, қачон...”

Э тавба, дейсан, ким уйланиши керак ўзи: уйланмаган йигитми ё уйланган одамларми? Уйланиш менга керак-ку, нега бошқалар бунча куйиб-пишишида? Уйланмаган йигит шўрликни нега ўз ҳолига қўйишмайди? Уйланар, ахир!

Фикрдан фикр туғилиб, бир уйланмаган йигитга бошқа уйланган одамларнинг муносабати ҳақида астойдил ўйга тушасан-да, бу йигитнинг ўзинг эканлигинг, ўзингнинг уйланишинг кераклиги эсингдан чиқиб кетади. Ўша, ҳалигача уйланмай, қайсалик қилаётган йигит ёнини ола бошлайсан...

Иссиқ, ҳаво жуда ҳам иссиқ эди. Осмон, кўм-кўк булутдек, ерни босиб, дарахтлар иссиқдан қуруқшаб, ҳозир, мана, ҳозир гур-р этиб аланг оладиганга ўхшар эди.

Машиналар шовқини кўринмас қувурга қамалиб, фақат кўчанинг устида гувларди, гўё кўча тепасидаги кўкимтири ғубор унинг таралиб кетишига имкон бермаётгандек.

Жуда иссиқ. Биронта ҳам япроқ қимирамайди. Одамнинг олган нафаси ичига иссиқ ховур бўлиб қуйилади. Столга қўлини қўйса, чип этиб ёпишидаи. Ичган чойи, худди бадани ғалвирдек, тер бўлиб сирқиб чиқади.

Саратон.

У сочининг орасига кқўл юбориб кўрди, боши қизиб кетибди: худди новвойнинг ҳозир тандирдан чиқкан бошидек. Иссиқданми ё кўп ўйлаганиданми?

Бурунгилар хўп ақлли бўлган-да: сочни тақир қирдириб, калла жониворни салқинлатиб юраверишган...

Ниҳоят телефон жиринглади. У шошганича трубкани кўтарди, ҳали уни қулоғига тутганича бўлмай, ҳаёлидан, йўқ, ўша қиз эмас, бу бошқа одам, деган туйгу ўтди. Ростдан ҳам бошқа одам экан, адашиб тушибди.

— Э йўқ, бу ер бошқа... Э-э, билмайман, билмайман, деяпман-ку.

У трубкани шарақлатиб жойига ташлади. Қанақа одамлар ўзи, уларга керакли номерни мен қайдан биламан?!?

У, худди шу кулранг қути гапириб юборадигандек, телефонга тикилди. Хона ёруғида хира товланаётган телефоннинг сиртида ўша қизнинг уни йўқламаслигини билдирадиган нимадир бордек эди.

У деразага кўз тикди: дарахтларнинг тек қотиб туришида ҳам, кўчанинг бўғиқ шовқинида ҳам унинг кутганидан билги берадиган бирон аломат, сезим йўқ эди.

Шунақа ишларнинг бўлиш-бўлмаслигини одамнинг кўнгли олдиндан сезади. У ўша қизнинг телефон қилмаслигини аниқ билиб турибди, лекин умидини узгиси келмайди, қаттиқ умид қилса, умид билан телефонга қаттиқ термилиб тураверса, интизорлиги ўша қизга бориб етадигандек. Ҳозир шу дақиқада, бўлмаса, сал кейин, бугун, бугун бўлмаса, эртага. Ахир, сен бир одамни бутун борлиғинг билан ўйлаб, ҳаёлан қаттиқ, чорлаб турсанг-да, ўша одам тамомила сезмаса, сен ҳақингда мутлақо ўйламаса... Ҳеч бўлмаганда, қулоғи қизир?

Шу битта нарсага ёпишиб олиб, бошқа нарсани ўйламаслигим ёмон-да, деб ўйлади у. Энди шу ўйдан қутулолмайман. Миямнинг қатиғи чиқиб кетгунча ўйлайвераман. Ўша қиз ё телефон қилади, ё қилмайди. Шундай экан, биттаси бўлади-да, деб хотиржам ўтирсам, китоб-питоб ўқиб кутсам яхши бўлмайдими? Йўқ, калламга бошқа ҳеч нарса кирмайди, телефон қиладими, қилмайдими, деб ўйлайвераман, ўйлавераман, ўйлайвераман... Э, минг лаънат-э ўша қизга, агар пошшонинг қизи бўлсаям! Ишлик одамни шунақа ахволга соладими? Бир кунимни ўлдирди. Ваъда бергандан кейин сўзининг устидан чиқиши керакми, ахир? Мен сенга ялинганим йўқ эди, ўзинг телефонимни ёзиб олдинг, кутинт, дединг. Бирорни бекордан-бекорга умидлантириш инсофданми, ахир? Нозингдан ўргилдим, хў ўша сени... ажува! Танноз! Дуч келган йигитнинг телефонини ёзиб олади-да, яна куттиради...

У телефонга тикилганча ҳаёлан дағдага қилди, ўша қизнинг шанига, уни пастга уриб, анча-мунча гапларни тўкиб солди, аламини енгмоқчи бўлди.

Телефон ҳам муқаррар зарбадан ўзини ҳимоялаб, бошини қўли билан паналаганча, ғужанак бўлиб ётиб олган одамчадек кўринарди.

Шунақа ҳам бемаъни ҳаво бўладими! Иссиқни! Одамнинг ичини қайнатиб юборади.

У сигарет эзғилаб хонадан чиқди. Телефон жирингласа, эшитмай қолмай, деб эшикни очиқ қўйди. Коридорнинг охирига, дераза тагига бориб тутатди.

Ана, Собирвой ҳам чиқдилар. Битта керишинг, битта керишинг... Э раҳмат-э, ака! Ҳозир қўлларини силкитадилар. Ҳа, ана, силкитдилар. Энди биз томонга келадилар. Ҳа, шундай: кўп ишлаб чарчагандек... девордан бошқа нарсани кўрмасангиз ҳам уёқقا, энди буёқقا кўз ташланг, баракалла... келднгизми, энди уф тортинг, тартиб бузилмасин-да, яхши, хўп, ана, энди сигарет сўранг, сўрайверинг, ўрганиб қолганмиз, заҳарни ҳам қизғанамизми-я...

— Уф, қани, заҳарингиздан бизга ҳам...

У Собирнинг сўрови тугамай, унга сигарет тутди. Собир аввал сигаретнинг ёзувларига разм солди, кўнгил тўлди шекилли, мамнуният билан:

— Хў-ш—деди.

Қалайман?

— Қалайсиз, ошна?—деди Собир.

У, кам деганда амлокдорнинг мулозимга марҳамат кўрсатишидек, илжайиб бош ирғади, жавоби шу бўлди.

Ишлаяпманми?

— Ишлаяпсиз?

— Йўқ, чекяпман.

Собир бир караб қўйди-да, унинг сигаретига қўл чўзди.

- Тутатайлик.

Сигаретни ҳам ҳаром қилди. Тишланадиган жойидан ушлайди-я!

Бошладикми дейман.

— Бугун директорга рўпара келмадингизми, ишқилиб?

— Нима эди?— деб сўради у, Собирнинг бу саволни нимага берганини билиб турса ҳам.

— Э-э, икки кунга жавоб сўраб кирувдим...

Бошладик.

— ...Бир олди, бир олди! Шу-у, ўлиб-тирилиб ишлайсан-ишлайсан, раҳмат йўқ, бунинг ўрнига...

Ке-тдик! Директорнинг қартасини айлантирамиз! Директорнинг қартаси яхши — ҳар қанча қўйсанг ҳам зерикмайсан одам.

Тилаб чекканига, бу ҳам майли, тинчгина ўй ўйлатмаганига яраша, гапирмай турса ўлармикан? Балки ўлиб-тирилишининг ҳеч кимга қизиғи йўқдир.

Ҳей инсон, менга қара, нима қиласан ҳасратингни оёқости қилиб; мен сенга дардимни ёрмаяпман-ку, балки менинг дардларим сеникидан кўпроқдир; чидаяпман-ку...

Шу-да, қандай эди? Ҳа: “Мени мен истаган ўз сухбатига аржуманд этмас, мени истар кишининг сухбатин кўнглим писанд этмас”. Маликул каломни ҳам фийбатга тўйдириб юборишган шекилли... Агар у киши бизга директор бўлганларида эди, уларнинг қарталарини ҳам роса айлантирадик: нега уйланмайдилар, Хондамирнинг ёзганига ишониб бўлмайди, бу ерда бошқа ran бор, ишқи илоҳий ўз йўлига лекин Маликул каломнинг уйланмасликлари...

Хонада чекиши таъқиқланган. У ҳар соатда шу ерга чиқшга мажбур. У чиқса, пойлаб тургандек, балки пойлар, манави ҳам чиқади. Ўзи сотиб олса, кўп чекиб қўяр эмиш. Яшавор! Ташламоқчилар. Шу гапни такрорлаётганига ҳам бир йил бўлди. Шунчадан бери тилаб чекадилар ва доим ташламоқчи эканликларини писанда қиласидилар. Коида бўлиб қолган: хо-насидан чиқади-да, келади, йўқ, чиққандан кейин аввал керишади, гўё дўстини кўрганидан қувонгандек, қўлини тепага кўтариб қутлайди, кейин келади, сигарет сўрайди, шундан ё олдин, ё кейин уф тортади, тутатади-да... Э, майли, у сигаретга ачинмайди, гап тамакининг пулида эмас, шу заҳарни ўзинг саситдинг нима, икковлашдинг нима?

Инсоф билан айтганда, Собир унинг сигаретидан иккита ё учта, борингки, тўртта чекар, шу билан камбағаллашиб қолмайди. Майли, чексин, лекин гапирмай чекса-да. Ахир, у Собирнинг кўнглига қазноқ эмаски, неки ичига сиғмаса, олиб келиб тиқиб қўяверса...

У ҳар чиққанада Собирни кўрмайин, деб юрагини ҳовучлаб туради. Яна шуниси ҳам борки, Собирни кўрмаса, кўнгли алагда ҳам бўлади: чиқадими, чиқмайдими... чиқмасин-да... бари бир чиқади... ё чиқмасмикан... чиқса-чиқсине, бунақа фол очиб ўтиргандан кўра, чиққани яхши... Бордию Собир чиқмаса (ишлик одам, сенга ўхшаб кун-узун-кун телефон пойламайди, ишлайди) у бошқача ўйлай бошлайди: нима ҳам қилсин, дардини ҳаммага ҳам ёравермайди-ку, ишонгани мен; ростдан ҳам меҳаткаш, ўлиб-тирилиб ишлайди, лекин директор билан ораси чатоқ, довон ошай деб турибди, бир химо берилса, бас эди... То сигаретни ёлғиз чекиб бўлгунча Собирвой — Собир жўрамга, ёзғириш — меҳрга айланади.

Собир у сигарет чекаётганда чиқмаса — яхши одам. Лекин аксар пайтлари чиқади, у баҳона, бу баҳона, ran бошланади-да, биронта бошликроқ: сектор мудири Иноятов, илмий котиб Нуриллаев, директор ўринбосари Қувватов, ё директорнинг жияни Илхом, Аввалбой тўғрисида “ҳар ким ҳар нарса деб ўйлаши мумкин-у, лекин аслида тўғри гаплар” қўзғалади-да, кўпинча директорга келиб тақалади. У аввалига Собирнинг дийдиёсини “тишини тишига босиб” эшитган бўлади, Собир ўзининг “шундай-шундай” машаққатларини санайвергандан кейин бир оз юмшайди-да, ўзи ҳам секин гапга тушади: сал баландроқ туриб, сал босиқ ва сал бетарафроқ бўлиб, бир вақт қараса, ҳангоманинг жилови ўзининг қўлида: у гапиряпти, Собир ора-сира қўшилиб, бош иргаб тасдиқляяпти. Гапингни бирор эҳтиром билан тинглагандан кейин... “ғийбат эмас, ошна, жуда тўғри гаплар...” “Қаранг, мен ҳам шуни айтмоқчи эдим, лекин бошқача тушунасизми, деб...” Шунақа пайтлари Собир унинг кўзига елкадош, ҳақиқатгўй дўст бўлиб қўринади...

— Икковининг ораси ёмонлигини туш кўрибманми? Акобиров ҳам ўқиб чиқди, маъкул, деди, рецензия ёзиб берадиган бўлди, деб айтганнмни биламан, шу-у, бақириб кетди...

— Билмасмидингиз?

— Қайдан биламан?

— Билардингиз-ку, ўзингиз ҳам лекин...

— Ҳай, билганимда-чи, бари бир эмасми? Уларни мен уриштирдимми ё менинг устимда уришишдими? Икки қўчкор сузишса, мен — қўзида нима гуноҳ?

— Кўзи эмас, каттагина тукли бўлиб қолдингиз сиз ҳам. Беш минути кам қўчкорча.

— Директор қўйса. — Собирга бунақа гаплар ёқади. — Қўймаяпти-да. Нима қилай — бордим ўша Акобировининг олдига

— Мақола чиқадими, ишқилиб?

— Чиқади,— деди Собир очилиб.— Юраманми, жонга тегди. Шу мақола чиқса — бўлди, публикация тўлади. Директорнинг ўзига неча марта айтдим. Фамилиясини қўйиб, ўқитдим. Ҳали у дейди, ҳали бу. Э-э, қай бирини айтай...

— Айтувдингиз.

— Мухокамага қўйдирса, қочиб кетганим йўқ, замечаниеларини кейин ҳам қилавераман.

— Ҳали мухокамадаям...

— Шу-да, ишнинг ҳозирги туришидан ярми ҳам қолмайди.

— Ким ўқиса, битта маъқулга иккита номаъқул қўшади.

— Мисир аканинг китоби мухокамасида бормидингиз?

— Йўқ, нима эди?

— Аввалбой ҳам сўзга чиқибди.

— Йўғ-э, баҳай?

— Қўяверинг!

— Нима деяптилар? Ўзларича. китобга уни қўшиш керак, буни олиб ташлаш керак, дегандилар?

Собир унга ўпкалангандамо қаради:

— Шу Аввалбой, а?! Осмонга олиб чиқдию тагига саккиз қават қўрпача тўшади.

— Мунча? Мисир аканинг китоби маълум нарса-ку.

— Нима қипти? Аввалбой шу келаётган кенгашда ёқлайди.

— Йўғ-э? Эшитмабман.

— Сизга эшиттирадими? Ими-жимида битиради ишини. Албатта, мен ҳам директорнинг уйидан чиқмай, бозор-ўчарини қилсан, полигача ювиб берсан, аллақачон ёқлаган бўлардим.

— Жа, унақа... полини ювмас-э,—деб у ўзини ҳайронликка солди, бу гапни Собирдан юзинчи марта эшитаётган бўлса-да.

— Ювмайди?! Э-э, юрибсиз-да, сиз ҳам, ҳамма нарсага тўғринча эришаман, деб...

Аввалбойнинг шу келаётган кенгашда ёқлаши у учун ёқимсиз бир янгилик бўлди. Эшитган сонияда қулоғига ўрнашмади, энди эса нашъа қилди: оббо Аввалбой, Аввалхўжа, Аввалчик, Авиқ, Ав... ҳаммамиздан олдин ёқлар экансизда...

Бирорга ҳасад қилиш яхши эмаслигини билиб турса ҳам кўнглидаги туйгуни тия олмади, аксинча, эрк берди.

— Аввалбой шундай яратилганки,—деб салмоқ билан ran бошлади у, ўзини лоқайд, ҳамма нарсадан, ёқлашлардан баланд тутишга уриниб,— агар шундай қилмаса, илмни ташлаб, отасининг ёнида чўпонлик қилиши керак. Бўлмаса, кун кўролмайди.— Бу гаплари ўз кўнглидаги кирпитиканнинг тиканларини ўнгига силагандек, таскин топди: Аввалбойга ўхшаб ёқлагандан кўра ўлгани яхши...

Собирнинг кўзлари йилтиллади:

— Мен билан ўқиган...

— Биламан, айтувдингиз...

— Нима ran чиқар экан, деб доим оғзимни пойлар эди. Диплом ишини ҳам бизга ўхшаганларнинг оғзидан тушиб қолган гаплардан териб ёзган. Ишонмайсиз-а?

— Айтувдингиз, айтувдингиз,— деди у бетоқатланиб: Аввалбой ҳақида бошлаган гапининг давоми узун эди.

Бироқ Собир унга гал бермади:

— Ҳеч эътибор қилганимисиз: қайсимиз билан гаплашса, гапни дарров темасига буради. Мен бир оғиз гапираман, сиз бир оғиз... Унинг қулоғи локатордан ҳам яхши ишлайди. Карабсизки, мана, уч йилда диссертация тайёр.

— Қойил бўлиш керак лекин,— деди у Собирни гапдан тўхтатишга чоғланиб.

— Нимасига қойил бўлиш керак? Бунақада сиз ўнта диссертация ёзиб ташлар эдингиз.

— Мен бундай қилолмайман.

— Мен ҳам бундай қилмайман.

— Аввалбой ожиз одам-да. Боя айтдим-ку, Аввалбой...

— Ожиз?! Ёқласин, кейин қанақа ожизлигини кўрасиз!

— Мен илмини айтяпман.

— Мен ҳам. Дипломни олгандан кейин унга ожизсан, деб кўринг-чи! Ҳозирданоқ бурнига хода етмайди. Нима, савлатдан бор, қориндан бор...

— Фақат калладан йўқ,— деди у ғашланиб.

— Менга қилган насиҳатини қаранг: Акобировга бекор борибсиз, домламизнинг тузлуғига тупуриш бу, дейди!

— Шунақа...

— Борганимни ҳам шу етказган домлага.

— Сиз ҳам қизиқ. Шунақа одамларга нега сир берасиз? Сотади-ку!

— Э-э, қувониб кетибман-да. Ишингиз нима бўляпти деса, Акобировга борганимни айтиб юборибман.

Бу бечоранинг ҳам мақтангиси келган: униси яқинда ёқлашини айтган бўлса, бунисининг ҳам кам кўрингиси келмаган...

— Аввалбойни қўйинг. Илмни фақат буюклар яратмайди. Аксинча, унинг асосий юкини мен билан сизга ўхшаган ўртачалар,—деб аччик хузур билан таъкидлади у,— кўтаради...

Аввалбойлар-чи? Нима деса экан? Аввалбой бўлмаса, директорнинг бозор-ўчарини ким қилиб беради, полини ким ювади? Собирми? Собир-ку, жон-жон дер, лекин бир кун ювса, ўн кун ҳасрат қиласди. Йўқ, директор собирларга полини ювдирмайди, у ҳам кимга ювдиришни билади. Менгами? Мен директорнинг полини ювар эканманми? Ҳечам-да1 Яна ҳам... билмадим. Одам қийин шароитга тушгунча оғзиботирлик қиласди мумкин, лекин.,, Яхши ҳамки, Аввалбойга ўхшаганлар бор. Акс ҳолда, Аввалбойнинг ўрнида бўлишга тўғри келади, ё,,. Йўқ, бошқа Аввалбой бари бир топилади. Дунё шунаقا: иш жойи бўш турмайди, одамлар бўш туриши мумкин.

Нимагадир жуда гапиргиси келди. Айтмоқчи бўлган гаплари айтмасданоқ, ҳалитдан, тиниқиб, фикри баландлаб кетаётгандек туюлди.

— Илм ҳам, Собир, илм ҳам, директоримиз айтгандек, муҳташам бир иморат... Бу иморат тиклайдиган Уста бор, — деди, — Сиз — қора ишчи, иш кучисиз.— Оғир кунда Собирни ёлғиз қолдирмасликка ваъда бераётгандек, “мен ҳам”, деб ўзини қўшиб қўйди.— Қора ишчилар иморатнинг лойини қиласди, ғиштини қуяди.

— Аввалбой тайёрини устага узатиб туради,— деди Собир алам билан,

— Йўқ, Аввалбойнинг иши бошқа. Лойни ҳам, ғиштни ҳам ўзимиз узатамиз. Уста бизнинг лойимиз, ғиштимиздан иморатни тиклайверади.

— Аввалбой-чи?— деди Собир беозор истехзо билан.

— Ҳозир. Шошмай туринг. Айтаман... Бир вақти келади-да, Уста чанқайди. Биз қора иш билан бўлиб, Устамизнинг чанқашини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Ўзи, қора иш аслида бунақа нозик сезгиларга кўп ҳам ўрин қолдирмайди. Уста фақат эзгу ҳаёллар, юксак, масъул мақсадлардан баҳра олади, бизга ўхшаган оддий ишчиларгина очқайди, чанқайди, деб фикр қиласмиз. Кейин, Устанинг нима ичишини ҳам билмаймиз. Гулоб, атиргул суви, хуллас, қандайдир ақлимиз етмайдиган ичимлик керак унга, бунақасини топиш қўлимиздан келмайди, деб ўйлаймиз.

Собир унинг гапи қаёқка бурилаётганини билмай диққат бўлди.

— Ана шунда, Уста айни чанқаган пайтда Аввалбой пайдо бўлади, қўлида...

— Арман конъяги,— деди Собир топағонлигидап ўзи завқланиб.

— Мана, сизнинг хатоингиз қаерда. Фикрларингизнинг андазаси хаётга тўғри келмайди. Ишлаб чанқаган одам конъяк ичадими? Чой, оддийгина, ўзимизнинг яхна чой, сув эмас, чой. Устанинг чанқашига мўлжаллаб, дамлаб, пиёлага қуйиб совутиб туриш керак. Буни фақат Аввалбой эплайди. Устага чой

тутиш оддий иш эмас. Бунинг учун одамда алоҳида бир фаросат бўлиши керак. Аввалбойнинг юрагида Устага нисбатан шундай бир меҳр борки, бу меҳр устанинг қўнглини бир чирмаб, Устанинг меҳри бўлиб яна Аввалбойнинг ўзига қайтади. Нозик, исқабтопар бир меҳр. У сиз — қора ишчида йўқ, ўлиб-тирилиб ишлайвериб, бу туйгуни ўлдириб юборгансиз.

— Энди нима қилишимиз керак?—деди Собир тўрсайиб.

— Ҳеч нарса, — деди у. — Ишимизни қилаверамиз.

— Аввалбойнинг ошиғи олчи бўлаверар экан-да,—деди Собир гўё Аввалбойнинг ошиғини у олчи, қилиб бераётгандек.

— Олчи бўлаверади.

— Э-э, йўқ, мен бу маталингизга қўшилмайман. Ўзига эмас, Аввалбой хақидаги жойига.

— Ихтиёргиз, лекин...

— Ишнинг оғирини биз қилайлик-да, ҳузурини Аввалбой қўрсин!

— Унда чойни ким узатади?

— Чойни ҳам ўзимиз узатамиз.

У қулиб юборди.

— Аввалбойни нима қиласиз унда? Сиз қўйган ғиштни Устага у узатиб турса, ўзингиз четга чиқиб қоласиз-ку?

— Ҳаммасини ўзим қиласан.

— Сиз чой тутишни эплолмайсиз. Уста сизнинг лойга беланганд қўлингиздан чой ичмайди. Чой узатиладиган қўл меҳнатда қавармаслиги керак. Сиз қўпол қўлингиз билан пиёлани тушириб юборасиз-да, бу кўрган қунингиз ҳам ҳолва бўлиб қолади.

Йўқ, у ҳеч қачон директорнинг полини ювмас экан. Юволмас экан.

— Ҳа, Аввалбойнинг бу томонига тан бериш керак,— деди Собир.— Боплайди лекин. ҳар қандай одамнинг қўнглига йўл топади. Диссертациясида директорнинг ишларидан цитата шунча кўп эдики...

— Нега?— деди у ажабланиб.— Домла бари бир олдириб ташлайди-ку.

— Ўқиб кўрадими, ахир. Ўчиришдан олдин Аввалбой уни қандай қўкка кўтарганини ўқииди-ку.

— Зўр. Қойил, — деди у хиссиз бир оҳангда.

— Буям сиз айтган меҳр, чой тутиш,— деди Собир.— Ҳали қараб туринг, Аввалбой шу Устангизнинг қизига ҳам уйланиб олади.

Унинг қўнгли бирдан ғашланди. Пастлашиб кетгандек, майдалашгандек бўлди. Тўсатдан ўзига-ўзи ёмон кўриниб кетдди.

- Ошириб юбордингиз энди, - деди ва Собирнинг кўнгли учун ўз ихтиёрига қарши қўшиб қўйди: - Ҳеч замонда хўжа хизматкорини бошига кўтартмайди. Куёв ўғилдан баланд иззатланишини унутманг. Аввалбой директорнинг полини ювади-ю... қандайига...

У гапининг давомини айтмади, директордан уялиб кетди. Назарида, директор уларнинг гапи устига келиб қолиб: “Э ўғлим-а, ман сани илмий иш қиляпти, диссертациясини ёзяпти, жуда истеъодли йигит, деб юрсам, сан бу ерда...” деяётгандек бўлди.

Шу пайтда телефон жириングлади. У хонасиға чопди.

Йўқ, қўшни хонадаги телефон экан.

Собир унинг ортидан кирди. У ўзини ишга берилган кўрсатиб, ройиш бермади. Бир оздан кейин Собир чиқиб кетди.

Бу аҳвол жуда кўп такрорланган.

Негадир одам ҳузур билан ғийбат қиласан-у, кейин негадир кўнглингда жуда нохуш бир сезимлар уйғонади, ўзингдан-ўзинг иргана бошлайсан.

Бемаъниган. Уйида бўй етган қизи бўлатуриб, директор хўқиздек, бегона эркакка полини ювдирадими?!

...Аввалбой жиққа терга ботиб, кўйлаги кўтарилиб, оппоқ, бикқи бели очилиб пол ювяпти.

...молдек тўртоёқлаб турган Аввалбойнинг олдида охурдек тогора...

...Аввалбой ҳансираф, кир латта билан...

У нафратланиб кетди, Аввалбойдан эмас, ўзидан, Аввалбой ҳақида шу ҳаёлга борган ўзидан.

Йўқ, бўлиши мумкин эмас! Директор домла, устоз сифатида шогирдини эзib ишлатар, аммо одамни бундай хўрламайди . Аввалбой чаласавод, хомкалла, хушомадгўй, боринг-ки, фикр ўғриси ҳамдир, лекин—одам, Одам, ахир! Уни одамлик шанидан маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Агар директор Аввалбайдек чойтутарини бунақа хўрлайдиган бўлса, менга ўхшаган ўзи билармон, ўзи бўлармонларни топтаб ташларди. Мен ҳам борганман-ку, уйига. “Э, ўғлим, сан кичиксан-у, лекин маникида меҳмонсан”, деб чойни ўзи дамлаб келган, ҳатто сузишга ҳам қўймаган, ўзи сузив, унга чой узатган. Уйдагиларнинг ҳаммаси келиннинг отасиникига қндириб кетишган экан. Директор иккаласи ўшанда уч чойнак чой устида (ҳаммасини директорнинг ўзин дамлади—жуда кичикфеъл одам эканми, деб ўйлаган эди ўшанда) бир дунё гапларни гаплашиб олишди. “Ўғлим, санга ўхшаган ёшларнинг энг катта камчилиги ўзбошимчалик, катталарга хурматсизлик эмас, лақиллаш. Олим бўламан, деган одамга ҳеч тўғри келмайдиган нарса ҳам шу. Ҳозир ҳеч нарсани

ўйла.май, фақат ишлайдиган, фақат меҳнат қиладиган пайтларинг. Ҳў кейин, мана, бизларга ўхшаб қариганларингдан сўнг хоҳлаганларингча лақиллашларинг мумкин. Лекин, шу кучга тўлган, тоғни талқон қиладиган

пайтларингда умрни лақиллаш билан ўтказиб юборсаларинг, биздай вактларингда нимани лақиллашни билмай, бир гапни тўтидай такрорлаб, ёшларга кулги бўлиб юрасизлар. Сангабу гапларни бекорга айтаётганим йўқ ”.

Собирга ўхшаганларнинг бир ишни бошлаб, ҳалоллаб битказиши гумон, лекин бирорвга лой чаплашга тушса, шундай қилишадики, тукқан онаси ҳам таниёлмай қолади.

Бориб турган ёлғон! Аввалбой хохлагандан ҳам, директор унинг бунақа суйкалишига йўл бермайди.

Қизик, аслида ўйлаган, гапираётган одаминг яхши бўлиши мумкин, кўпинча яхши ҳам, лекин сен унга кайфиятингга қараб баҳо берасан, кайфиятинг ёмон пайтда ўша одам ҳам кўзингга жуда ёмон кўринади, биронта яхши томонини кўрмайсан, кўролмай қоласан...

Собир Аввалбойни ёмон қўради, бошқаларга ҳам ёмон кўрсатишга тиришади. Аввалбой ҳам, нафси замрини айтганда, яхши эмас. Лекин директорнинг полини ювиши—ёлғон. Буни Собир тўқиган, бу гапни кўп такрорлайверганидан ўзи ҳам ишониб қолган.

Шу гапнинг ёлғонлигини у билмайдими? Билади. Ишонмайди. Лекин бу гап ўзига ёқади. Собир яна бу гапни чайнаганида, айниқса, Аввалбойнинг яқинда ёқлашини айтганида, баттар ёқиб тушди. Шу ёлғоннинг рост чиқишини тиланди. Ҳар хил йўллар билан менга ўхшаган умидли ёшлардан ўзиб, олдин ёқлар эканми, марҳамат қилиб, директорнинг полини ювсин, деб Аввалбойнинг устидан ҳукм чиқарди. Аввалбойни ҳаёлан хўрлади. Одамлик шанига тегинди. Шу истак билан кичикфөъл директории қоралаб юборди.

Завқланганига қаранг!

Шоирларга ўхшаб илҳом билан нақл қилганига қаранг. Билдики, нақл қилса ишонарли бўлади. Чунки нақл деган нарсада кўпчиликнинг номидан ҳукм чиқарилади, ҳар қандай фикр ишонарли, қонундек бир тус олади.

Ў, сенга ўхшаганлардан директор чиқмасин —Собирни эшакдай ишлатасан, Аввалбойга... чой ташитасан!..

Ҳали ҳам камтарлигингга балли. “Уста ўзимман”, деб юборишдан ўзингни зўрга тўхтатиб қолдинг. Уятдан ҳам озгина бор лекин.

Ҳар ким ҳам ўз ҳаётига Уста эканини, ўз иморатига ўзи ғишт қўйиб, ўзи лой қориб, ўзи тиклаши•ни билмасмидинг? Биласан. Лекин қора ишдан қочасан. Фақат... ўзингга-ўзинг эҳтиром билан чой тутиб ўтираверасан.

Оқ уйим бор эмиш...

У деразани ланг очиб юборди. Иссиқ ҳаво ичкарига ёпирилди. Ҳаво ҳам шунақа бўладими-я, деразани ёпиб ўтиранг, қайнаб кетасан, очсанг — ёнасан.

Энди телефон қилмаса керак. Исмини айтмагани, адресини бермаганидан маълум эди-я, ўзи. Нимасини кутяпти? Лекин нега қиз унинг телефонини ёзиб олди? Ё кейин ортиқча хирадлик қилдими? Йўқ. Фақат “Исмингизни айтмадингиз

ҳам”, деди. “Исмимни кўчада айтмайман. Ё сизга кўчада қолган исм керакмиди?”, деди қиз. “Қачон телефон қиласиз?” деган сўровига “Кутинг”, деди. “Ё телефон қилмайми?” деб жилмайди. ғамзамиди ё масхарамиди, бари бир, ширин эди.

Кутинг.

Кутасан.

Мана, кутяпти.

Йўқ нарсани кутаётган бўлса-чи?

Ўша қизни трамвайдага учратиш ростдан ҳам тушга ўхшаб кўринди. Бирдан дунё ўзгача бўлиб қолди. Қизларга гап отишни ўзига эп билмайдиган одам, ҳар қандай тортинишни йиғишириб қўйиб, албатта шундай бўлиши керакдек, қиз ҳам шуни кутиб тургандек *ган* қотди, қиз унинг аҳволини тушундими ё силтаб ташлашга ботинолмадими, тўғри жавоб қилди. Уч бекат гаплашиб кетишидди. Қиз тушиб қолди. Бўлган воқеа. Энди тушга ўхшаб қолди. У қизнинг на исмини билади, на адресини, на қиз ўзини билдиради. Шундай экан, қизни қайта кўрмаса, у телефон қилмаса, уни кўргани ўнг эдими, туш эдими, бари бир, хотиранинг тушдан нима фарқи қолади?

Нахотки телефон қилмаса?

Унинг юраги орзиқиб кетди. Эзилди. Яна чеккиси келди. Коридорга чиқса, биронта ҳамкасбга дуч келиб қолишини ўйлаб, хонасини ичкаридан кулфлаб олиб тутатди.

Яна телефонга кўз тикди: ким биландир гаплашгиси келди. Трубкани олди.

— Алё, саломалайкум... Каримова... ха, Зухра, ишдами?.. Илтимос!

“Сизга кўчада қолган исм керакми?” Нима дегани бу? Иккаламиз холи учрашганда айтаман, демоқчимиди?

Ҳозир, айни шу Зухра билан гаплашаётган пайтда ўша қиз телефон қилиб қолиши мумкинлигини ўйлаб, шартта трубкани қўйди. Зухранинг нари ёқдан телефонга келишини кутмади: *ган* чузилади.

“Кутинг”, деганида алдамаётгандек эди шекилли. Ё алдадимикан? Ҳай, қизнинг бекорга умидвор қилаётганини ўшандада сезганида ҳам нима қила оларди? Қўлидан тутиб, трамвайдан тушишига қўймасмиди? Илож қанча? Энди кутишдан бошқа чора йўқ. Кутиш ўзига керак. Шунча йилдан бери ахтараётганини энди топгандек... Ахтараётганими ўзи? Ё ахтараяпман, деб лақиллаб юрибдими?

Телефон жиринглади. Ҳали трубкани олмаёқ, телефон қилаётган ўша қиз эмас, Каримова, яъни Зухра эканлигини сезди.

— Ҳа, мен... Салом, ўртоқ Каримова... Ҳа, мен эдим... Узилиб қолди... Ўзим шундай... Кино-пинога тушсакми, деб кейин ўйлаб қарасам...— У жўрттага, эшиттириб эснади.— Билмадим, яхшироғи йўқ шекилли... Бемаза, ясама... Кўрмасам ҳам биламан, отидан маълум... Қўйинг шу “Муҳаббат ва

қасослар”ни... Ёқмайди менга... Йўғ-э, нега сиз билан боргим келмас экан. Ўзим телефон қилдим-ку сизга. Гапингизни қаранг... Яхшироқ кино бўлса-да... Келади, кепқолар... Оббо, мени чақиришяпти-ку.— У эшик томонга қарат: “Мажлисгами? Ҳозир, ҳозир”, деб қичқирди.— Мана, котиба қизимиз... Йўқ, сиздек чиройли эмас... Ўзим телефон қиласман. Бўпти.

Яхши эмас шу. Умуман бирорни ўйин қилиш яхши эмас.

Кўшилиб қўшилолмасанг, узилиб узилолмасанг...

Лекин қайси қизнинг исми кўчада ётибди? Зухранинг нимаси ёмон? Келишган. Юзи чиройли. Одамнинг кўнглига қарайди. Мехрибон, кейин... Фақат са-ал... Нима бўпти шунга?

— Я-ах-ши эмас!

Анов қизалоқ ҳам телефон қилмади энди. Хўп, дейлик, умуман телефон қилмайди. Ўша учрашув туш эди. Тушида бўлган эди. Қиз ўтиб кетган тушдан телефон қилмайди-ку. У нимани йўқотди? Ҳеч нарса. Тушда топган нарсасини йўқотганига ҳам одам куйинадими? Аксинча, яхши бўлди — тушида шундай ажойиб бир қизни кўриб қолди. Яхши-да.

Иш вақти тугади.

Чиқаверишда уни Султон ака тутиб қолди.

— Кетмай тур. Собир билан Раҳмон ҳам чиқсин.

— Жа вақтим зик.

— Уйга бормасанг, нима, хотининг уришармиди?

— Бир жойга ўтишим керак.

— Пулинг йўқми? Қўрқма, мен оламан.

— Ишим жуда зарил, Султон ака.

— Ҳеч одамга қўшилай демайсан. Бир жойда ишлагандан кейин бунақа бўлмайди. Одамларга қўшилиш керак. Қзчон қараса бир баҳонани ғудурлаб...

Бугун шундай қилма. Бир кўнгил ёзиб...

— Директорни фийбат қиласми?..

— Эй бола, менга қара! Тўхта, деяпман...

У портфелини қўлтиққа уриб, жўнаб қолди. Султон акага қарай олмади.

Бундай демаслик керак эди. Оғзидан чиқиб кетди. Ўтиришга директорнинг нима алоқаси бор?.. Бошқа илож ҳам йўқ эди-да. Бўлмаса, қўйиб юбормасди. Аслида бошқа жиддийроқ баҳонани рўкач қилиши керак эди-ку-я...

Мен ёқиб қолган эмишман унга. Албатта ёқаман-да. Мен ҳам сиздай маст бўлиб, йўлимда юролмай қолай-да, ўлигимни сўкишларимга чидаб, уйимга олиб бориб қўйинг, сизни ҳам албатта ёқтираман.

Ичишади. Кўпинча Султон аканинг пулига. У ҳам бир-икки марта ноилождан, Султон ака қистайвергандан кейин, “одамларга”, яъни уларнинг ичишига қўшилган. Султон ака ошхонанинг катта стаканини тўлдириб-тўлдириб икки марта отади-да, қўзи пешонасига ёпишиб, тап-тайёр бўлади. Раҳмон ака билан Собир аста қўзгалишади. Собир кам ичсаям, баҳонаси тайёр — кеч борса, уйидагилари... Раҳмон ака — катта, ёши улуғ. “Энди, ука, бизлар шу ёшимизда катта қўчада етаклашиб юрсак ярашмайди. Шаҳар! Султонбойнинг ахволини кўриб турибсиз. Яна йўл-пўлда... кўп ичсаям, ўзи зўр олим. Ҳали сизга кўп фойдаси тегади. Яхшиликни ерда қолдирмайдиган одам”. Султон ака тамом ўчган бўлса-да, ўзини бирор олиб бориб қўйишини сезиб, шуни кутиб бир муддат жим ўтиради. Кейин у “ўзбекнинг кичиги” бўлиб, оғзидан боди кириб, шоди чиқаётган Султон акани ёш боладек авраб, қўчадагилардан минг ҳижолатда, уйига етказиб боргунча она сути оғзидан келади... Йўл-йўлакай ўзи ҳам сўкишга бўкади: Султон ака ким эсига тушса, булғайди: “Хе ўшани... Нега сўкмас эканман?! Нима сани пулингга ичдимми? Хе саниям...”

Шунақа одамларнинг ошқозони қандай чидар экан?

Шу сассиғи билан бориб хотиннинг олдига ётадими?

Автобус изма-из келибдими, ҳар қалай, бекатда одам санжоб эди.

Автобусга чиқаётган маҳали негадир бир кампир унга хавотир аралаш ўқрайиб қаради. Арпангизни хом ўрдикми, кампиршо?

Автобус юриши билан бирдан мушукнинг аянчли миёвлаши эшитилди. У сесканиб ўша томонга ўгирилди. Бир хотиннинг тиззасидаги сумка ичидан мушукнинг калласи чиқиб туарди; қўзлари ғалати, қўкиш товланади, одамга тўғри қарайди: одам бир гуноҳ қилган-у, ҳаммадан, ҳатто ўзидан ҳам бекитиб юргандек, мушук буни биладигандек, “ҳали жавоб берасан!” деяётгандек— одамнинг кўнглига совуқ ваҳм ўрмалайди.

— Бечоранинг қорни очибди,—деди мушукнинг эгасига ёнма-ён ўтирган аёл.

Мушук тумшуғини чўзиб, яна миёвлади.

Бу лаънати мунча зорланади?

Хотин мушугининг калласини силади:

— Манечка! Уят эмасми сенга! Жонгинам! Одамлар сени одобсиз экан, деб ўйлашади.

Мушук хотиннинг қўлини искалади-да, яна миёвлади.

— Оти Манями! Қаранг-а, қандай чиройли экан,— деди ёнма-ён ўтирган аёл.— Шўрликнинг уйқуси келганга ўхшайди.

— Манечка, сенга нима бўлди? Тўполон қилма.— Хотин қўзларини ёлғондакам олайтириб, мушукка танбех берган бўлди.— Қани, жанжални тўхтатчи. Жиндай чидаш керак. Уйимизга яқин қолди.

— Жуда яхши мушук экан-да,—деб аёл ҳам мушукни силашга қўл чўзди.

Хотин тирсаги билан мушугини панараб, гүё беихтиёр қилгандек, аёлнинг қўлини қайтарди, бидирлаб кетди:

— Бензин ҳиди ёқмаяпти-да, таннозга. Салгина нохуш ҳидга чидамайди. Тоза ҳавога ўрганган. Овқатни ҳам сайлаб ейди. Кўнгли шунаقا нозик. Бир марта билмай туртиб юборган эканман, шунга уч кун араз қилса бўладими! Сиз ишонмайсиз, бирам ақлли.

Хотин шундай деб мушукнинг тумшуғидан ўпид қўйди.

Уларга рўбарў ўтирган одам—танқа бурун, мўйловининг учлари тепага қайрилиб, нақ қулоғигача борган эркак, мушукпарварлик томошасига анқайиб қараб келаётган эди, хотиннинг мушукни ўпганини кўриб, бирдан ирганди: “Э топган матаҳингга...” деб ғўлдиради, сўкиш оғзига тиқилиб қолгандек, бўғриқиб кетди. Унинг ёнидаги озгин, қўллари калта енгидан чвпдек осилиб турган, ингичка мўйловли йигит: “Инг қилгиси келаётгандир”, деб ҳихилади.

Хотиннинг ранги бўзарди, ёмон тус олди.

— Қандай маданиятсиз одамлар!—деб пичирлади ва гапини тасдиқлатишни кутиб, ёнидаги аёлга қаради.

Аёлнинг юzlари қизарди, хотиннинг гапини эшитмасликка олиб, ойна томонга ўгирилди.

Танқа бурун эркак, агар хотин яна бир оғиз гапирса боплаб сўқадиган алпозда бақрайиб қараб тураверди. Озгин йигит тиржайиб бир хотинга, жанжалга химо бергандек, бир эркакка кўз солди, кўрдики, иккаласидан ҳам садо чиқмаяпти; хафсаласи пир бўлиб, у ҳам ойнага юз бурди.

Унинг тушишига икки бекат бор эди, лекин автобус тўхтаган дастлабки бекатдаёқ тушиб қолди. Танқа бурун эркакдан баттар бўғилиб кетган эди.

Мушук тегинган идишнинг ташлаб юборилиши, мушук исказан қозоннинг куйдирилишни эслади. Ўзи ҳам мушукни ўлгунча ёмон кўрар эди.

Хотин мушукнинг оғзидан ўпди-я.

Одамга меҳр деган туйғу нима учун берилган?

Мушукка бағишлиш учунми? Мушук билармикан шуни?

Бу қанақа дунё ўзи?!

Хонаси ҳувиллаб ётарди.

Уйнинг хўжайнини ҳозир қай бир дўконнинг олдида, ажриқقا газета тўшаб, ўзига ўхшаган “оламзоднинг гуллари” билан пивога портвейнни аралаштириб симнряпти. Ярим кечаси келади-да, унинг хонасига киради (уй икки хонали). “Э, ўқиётгандинг”, дейди, гўё унинг ҳар кун оқшом китобдан бош кўтармаслигини билмайдигандек. Кечирим сўрайди. “Гаплашгим келяпти”, дейди. “Ўқиши керак. Шу ишинг яхши. Қишлоғингдан ота-онангни ташлаб, шаҳарга одам бўламан, деб келганингдан кейин, албатта, ўқи,—дейди; маст, лекин гапидан адашмайди, аксинча, ичмаган пайтлари оғзидан гап чиқмайдиган

одам, ичса, нотиқлиги тутади,— Ман ҳам олдинлари күп ўқир эдим. Анави битта китоб бор-у, оти нимайди? Йигит билан қиз икковинаси сой бўйида, жийданинг тагида, а!.. Тепасида она майна сайраб туради. Тўлиб-тошиб сайрайди, именно, тўлиб-тошиб. Ҳа, ишинг беш бўлгандан кейин, тепангда майна сайрайди, бедана вавақлайди. Маниям тепамда бир вақтлар майналар роса сайраган... Энди... битта туллак чумчук ҳам назарга илмайди... ўқи, майли. Ҳозирдан каллани ишлат. Уйлананаётганда хушёр бўл лекин. Уйланганингдан кейин бундан ҳам хушёр бўл. Одам ҳамма нарсани ясами мумкин, лекин турмушни ясолмайди. Қайтангга турмушнинг ўзи одамни ясаб ташлаши мумкин. Шунинг учун бошданоқ хотиннинг яхисини танлаш керак. Йигит одамнинг ҳаётда бир марта омади келади — буям бўлса, уйланганида. Ҳаммаси хотинга боғлиқ. Шунинг учун яхшилаб танла, дейман. Яхши, деб ёмонини олишинг мумкин, ёмон деб яхисини. Лекин ёмониям, ичмасанг, ўзингни хор қилмасанг, яхшилик қилади. Мана, мандан мисол — аҳмоқман. Хотиннинг яхиси адашиб менга тушиб қолган, билмаганман. Ичи-иб юраверганман.

Финг деса, урганман. Лекин... яхши хотин эди, яхши эди. Ман нима бўлдим энди? Сани нимага ижарага қўйдим? Пул учунми? Йў-ўқ, пулни топаман... агар хоҳласам. Пулга қизиқмайман. Ичишим керак, аслида ичмаслигим керак, лекин ичишим керак. Керак! Соғлиғимдаги турмуш—турмуш эмас. Турмушни бой бериб бўлганман. Эсимга тушишидан қочиб юрибман. Ҳамма нарсани сотиб ичдим. Лекин, мана, шу шимни сотмайман. Хотиним туғилган кунимга совға қилган.

Ўттиз саккиз сўму етмиш икки тийинга олган. Тангалаб йиққан, ман ичган ароқларнинг шишаларини сотиб... Олдинги нарсалардан фақат шу қолди. Сира йиртилмайди-я, қара. Олдин чиққан нарсалар шунаقا пишиқ бўлар эканми...” Хотинидан кейин албатта болалари эсига тушади, кўзи ёшланади: “Фарзанд нималигини ҳали билмайсан. Қизим гиламга сийиб қўйса, уй сийдик ҳиди бўлиб кетди, болаларга қарамайсан, деб хотинни урадим. Ҳозирлари эса... э ука, ишонмайсан-да, шу сийдик ҳидини ҳам соғиндим. Болангники бўлгандан кейин...” Кейин ўзи яхши, лекин болаларини кўришга ғов бўладиган хотинини ёмонлайди: “Нима бўлса ҳам шу болаларнинг отасиманми? Соғинаман. Нима, ичадиган одамда юрак бўлмайдими? Болаларни соғиниб борсам...

“Келманг, тарбиясини бузасиз”, дейди. Биламан, икки боласи билан унга ҳам осон эмас. Биздан оладиган йигирма тўққиз сўмига нима ҳам беради? Ўзининг ойлиги... қийин, албатта. Ҳалигача бошқа турмуш қилгани йўқ. Ўзим ярашай дейман-у, лекин яна қўшилсак... Бўлмайди-да, ука. Турмуш шунаقا. Энди бизникининг буёғи маълум. Тамом ютқазганмиз”. Кейин ҳамиша ошналарини сўқади, кейин яна ўзини сўқади, шу билан виждонини сал-пал тозалаб оладими, унинг тақдири тўғрисида қайғуриб қолади. “Э, манга қара, ташла шу бошоғриқни. Бир умр китобга термилиб ўтасанми? Барি ёлғон. Сан... ўзинг ёз. Мана, мани ёз. Айтиб тураман, ёзиб олаверасан. Катта китоб қиласиз. Агар сан тўғри ёзиб олаверсанг, зўр ибратли китоб бўлади. Ҳамма ўқийди. Майли, ўқисин, бу дунёга Воҳид деган бир одам келиб, дунёдан ҳеч нарса ололмай ўтиб кетаётганини халқ ўқисин!.. Энди сан Воҳид деб ёзмассан, отимни

бошқа қил, Зоҳид де... Йўқ, Зоҳид тўғри келмайди, акамнинг оти. Шунга уйқаш бир от топ-да. Балки Аҳад дейсанми?.. Отимни тўғри қўйсанг, ичолмай қоламан... Манави қобирғанинг тагида қўп гаплар ётибди, ўнта ёзувчига етади. Сан ёзсанг бўлади. Кўлингдан келмайдими? Келади. Одам қилган ишни одам қилади. Туппа-тузук йигитсан, калланг ишлайди. Ичмайсан. Манга олиб бериб турсанг бўлди. Доим ёнингдаман. Эй, манга қара, шу ёзувчиларинг китобига қаҳрамон қидириб Мирзачўлга боришар экан. Санга яхши бўлади-ку: ҳеч қаёққа бормайсан—мани тилимдан ёзаверасан. Ҳаммасини ўзим айтиб турсам... Лекин китоб ёзамиз, деб манга қўшилиб ичиб кетма. Майлими? Зўрласам ҳам ичма. Ичиб кетсанг, ёзувчи тугул, шимилдириқ ҳам бўлолмайсан.. Сани соҳанг нима ўзи, психологиями? Бўлмағур юмушни қўй, ука. Ҳали ҳаётни кўрганинг йўқ, психологияни қайдан тушунасан. Мана, мани психологиямни айтиб бер-чи? Айтольмайсан. Бир пиёнистада нима ҳам психология бор, топганини ичади, ҳеч вақоси йўқ, деб ўйлайсан. Лекин манавининг тагида,—деб у яна кўкрагига нуқийди,—психологиянинг зўри бер! Санники ҳам психологиями? Мани ўрнимда бир кун, майли, бир соатгина яшаб кўр — кейин биласан ҳақиқий психологияни! Псих бўп қоласан... Қалай, бопладимми? Бу калла,— кўрсатгич бармоғи билан чаккасини нуқийди,—ҳалиям ишлайди... Э, ичмаганимдами... Санга ўҳшаганлар билан гаплашиб ҳам ўтирмасдим. Ичиб шу аҳволга тушдик-да...” Энг охирида халақит бергани учун минг узр сўрайди: “Тўлиб кетганимдан кирдим-да, ука. Бўлмаса, ишинг тифизлигини биламан...” Эрталаб унинг юзига қарамай, ғўлдираб бошоғриққа бир сўм сўрайди, бу пулни ҳеч қачон қайтариб бермайди — ижара ҳақидан чегириб ташлайди — ҳаммаси қайтадан бошланади, ҳар куни ахвол шу. Дарди-ҳоли ҳам, воқеаларнинг ўрни алмашиб турса-да, доим бир хил; фақат хотини совға қилган шимнинг баҳоси йигирма саккиз сўмдан қирқ саккиз сўмгача — хотинини қандай кайфиятда тилга олишига қараб, ўзгариб туради, бироқ нима учундир, тангаси доимо бир хил — етмиш икки тийин.

Падарлаънатнинг уйида бир вақтлар телефон ҳам бўлган, лекин пулни тўламаганидан кейин узиб қўяверишган, кейин ўзи қўшнисига пуллаб юборган.

Телефондек ажойиб нарсани қўлдан чиқазган-а!

У кийимини ечмай каравотга чўзилди. Кун бўйи кетмон чопгандек хорғин эди.

Аравасига минганингдан кейин қўшиғини ҳам айтасан.

Ўттизга бораётган одамнинг ўз уйи бўлиши керак. Бу ёшларда одам энди ўз орзулатинигина бошпана қилиб яшай олмайди, орзу қилиш учун ҳам яшаш жойи тайин бўлиши керак. Ётишда тайин бўлмагандан кейин, орзуда тайин қоладими?

Йигирма саккизга чиққан йигитнинг бола бўлиб бола эмаслиги, катта сафига кириб, катта дейишга арзигулик биронта ишнинг уддасидан чиқмаганлиги ажойиб.

Қўлига бирон марта ҳам теша ушламаган Уста, оқ уйингни қачон қурасан?

Одам харакатсиз ётаверса, калласига бўлмағур фикрлар келаверади.

“Болам, икки нарсадан одам касал топади: бири — худо берган дарддан, иккинчиси — ўй ўйлашдан.— Онаси бу гапни ҳам кўп такрорлайди.— Ўй ўйлашнинг табиби йўқ”.

Одам ҳам қариганидан кейин ўтган умрини бирбир хотирадан қайта ўтказиб, маънисини доно-доно гапларга тизиб чиқади шекилли? Бўлмаса, ўқимаган, маълумотсиз кампир бунақа гапларни қайдан топади?

У оғир қўзғалди. Бир муддат йўл қараб ўтирди. Назарида, ўзи ҳам ҳаётининг, тамоман бўлмаса-да, кўп нарсасини бой берганга ўхшарди. Бой берилган нарсалар жуда қадрли эди.

Бориб деразани очди. Илик ҳаво баробарида шаҳар шовқини ҳам юзига урилгандек бўлди. Шаҳардан нимадир бир яхши туйғу ҳам келди.

Муюлишда бурилаётган трамвайнинг ғийқиллаши юракка санчилгудек эшитилди.

Шу трамвай ҳам юргани-юрган. Пешонасига мана шу издан чиқмайсан, деб битта рақамни тақиб қўйишган, тинмай бориб-келади. Ғийқиллагани-ғийқиллаган.

У ўзини умр бўйи бир йўлдан чиқмаган трамвайнинг ўрнига қўйиб кўрди, лекин хурсанд бўлмади.

Бари бир, шаҳар шовқинида нимадир, ҳаётни безайдиган, эй, эзилиб ётаверасанми, яшасанг-чи, мундок, деган бир чорлов бор эди.

Кун ўтиб кетяпти. Нимадир қилиш керак! Дангасаманми? Унда дангасаликдан қийналмаслигим, қуним ўтганига шукур қилиб, оёқни кўтариб ётаверишим керак эди. Мен эса ношукурман. Ўзимдан норозиман. Бу юришимдан, ҳаётимдан норозиман. Аммо, қизиқ, бу норозилигим яшашимга халақит бермаяпти, қандайдир ўнгай: ҳаракатсиз ётсам ҳам, бу ҳаракатсизликдан норозиман-ку, деб ўзимни оқлайман; совуқ кунларимда норозиликни пўстин қилиб кияман-да, унинг ичидаги бўғриқиб, иссиққина юравераман.

Кейин, одамнинг ўзини-ўзи ёмон кўришида ҳам худбинлик бор. Гап бурним сассик деб кесиб ташлай олмасликда ҳам эмас. Одам ўзини ёмон кўрса ҳам, аллақандай шафқат, аяш, меҳр билан, баъзан эса зўр одамни ёмон кўргандек ҳурмат билан ёмон кўради. Яна ҳам ким билади: кучли одамларнинг ўзини ёмон кўришини, доим ўзидан, ҳаётидан норози бўлишини шу билан изоҳлаш мумкиндири. Лекин қучли одамнинг норозилиги — ҳаракат.

Албатта, уйланиш керак. У ҳам дунёда тоқ ўтмоқчи эмас. Бутун тирик мавжудотнинг ҳаёти жуфтлашишга қурилган экан, у ҳам бу қонундан бўйин товламайди.

Лекин...

Эх! Севсанг-да!

Ўртаниб, куйиб, ёниб, бутун вужудинг билан қа-ат-тиқ севсанг!

Севги кўксингда қамалиб ётган исённи шивирлайдиган имконга айланса...

Ёрилиб кетаёзган кўнглингга таскин бериб, секин-секин, осуда-осуда шивирласанг Унга...

Сокин ҳайқириқ билан, тўйиб йифлаган одамдек енгил тортиб шивирласанг Унга...

Совук, дилдираб турган чўққингдан унинг майин, илиқ кўнглига қулаб тушсанг...

Даминг қайтиб кетса севгидан...

Юрагинг гур-р этиб аланга олса...

Севганга яраша...

Лекин...

Сени мана шундай телба-савдои қиласиган ўша қиз қани?

Кимлигини, қайдалигини билмайсан-у, аммо кутасан. Сабр-тоқат билан.

Келмаса-чи? Келса ҳам, Зухрага ўхшаган қиз бўлса... Балки кеча ўзим телефон қиласман, деб умидлантирган қиз ҳам зухраларнинг биридир...

Бор умрингни тикиб, ҳаллослаб, жон-жаҳдинг билан юргилаб излаганинг шунчаки йигитлигингга учадиган, қачон ёқлайсиз, деб ҳол-жонингга қўймайдиган оддийгина қиз бўлиб чиқса-чи!

Балки у йўқдир, уйқусиз тунлари ҳаёлингда яратгандирсан. Балки ўзинг Унга муносиб эмасдирсан. Орзудаги қизга орзудагидек йигит керак-ку. Ким билади: эҳтимол ўзинг ҳақингдаги тасаввуринг ҳам фақатгина орзудир...

Эҳтимол кечаги қиз ҳам ўзи орзу қилган йигитни ахтариб юргандир. Йигирма бешларга чиққан экан, гаплари бурро-бурро, эҳтимол, сенга ўхшаганлардан оғзи куйгандир...

Эҳтимол Уни кўриб, танимагандирсан; сен Ундан, У сендан бехабар, иккаланг икки томонга: У—катта дунёга, сен — тор йўлагингга, ўтиб кетгандирсизлар..

У шалағи чиққан, ўриндиғи ботиб кетран курсида мунгайиб ўтирап эди.

Ташқарида шаҳар шовқин соларди: кўтарилиб-пасайиб турган ғала-ғовур, болаларнин? қийқириғи, ора-сира боласини чақирган аёлларнинг қичқириғи — шаҳар яшаётган эди.

Қуёш ботиб борар эди.

У талабалик пайтларидаги устози, “валинеъмати” ва катталар орасидари энг яқин дўсти — Ҳусаиновни кўриб келишга отланди. Ҳусаинов малака ошириш, ўз таъбири билан айтганда, “чаласаводликни битириш” курсига келган.

— Салом, ўт,— деди Ҳусаинов.

— Йўқ, ўтмайман.

— Ўтмасанг, нега келдинг?—деди Ҳусаинов қандайдир бир яхши табассум билан.

— Э-э, ўтинг-да, энди. Остонадан қайтиб кетасизми,—деб қистади Расулов — Ҳусаиновнинг ҳамхонаси.

— Қўяверинг, феъли шунаقا, ўзининг ақлига бориб етмаса, ўтмайди,—деди Ҳусаинов.

Ҳусаинов, бари бир, унинг келганига қувонган эди.

— Рустам ака, кинога борайлик,—деди у Ҳусаиновга.

— Ҳозир-а?

— Сеансга қирқ минут бор. Улгурамиз.

Ҳусаинов кифтини учирди.

— Жуда бўғилиб кетдим,—деди у ўзи ҳам кутмаган ҳолда; шу гап оғзидан чиқани ҳамоно ростдан ҳам бўғилиб кетганини бирдан чуқур англади.— Ўзимни қўярга жой тополмай юрибман.

Ҳусаинов бир лаҳза унинг кўзига ажабланиб тикилди-да, Расуловга ўтирилди:

— Борамизми?

— Э-э, биздан нима кетди? Қанақа кино экан?

— Бари бир эмасми,— деди у, уларни қўндирганидан шодланиб.— Экрани ёришса бўлди-да.

Рустам ака жуда яхши одам-да.

У шундай деб ўйлагани сайин Ҳусаиновнинг янада яхши бўлиб кўринаётганини, Ҳусаинов ҳақида яхши фикр юрита бошлагани учун ўзи ҳам яхшиланиб, кайфияти кўтарилаётганини ҳис қилди. Биз ҳозир унсиз мулоқотдамиз, деб ўйлади у, мен унга бир яхши туйғу йўлляяпман, у ҳам менга шундай бир яхши туйғу билан жавоб қайтаряпти.

“Яхши одамларга яқинлаш,— деб такрорлайди онаси.— Яхши одам дилингта дил қўшади.” Йўқ, чиндан ҳам, кампирлар бундай гапларни қайдан топишади?

— Нега тиржаясан? — деди Ҳусаинов. — Келиб одамларнинг тинчини бузасан-да, яна тиржаясан.

— Эсимга бир нарса тушиб қолди,— деди у, тавба, кулганимни ўзим ҳам сезмай қолибман, деб ажабланди.

Ҳусаинов кийинаётиб пўнғўллади:

— Уйланиш керак, укам. Ўшанда ўзингни қўярга жой бўлади.

— Ҳа-ҳа, у жойдан кейин чиқолмай қоласиз,— деб кулди Расулов.

— Бу нима юриш? Ҳе йўқ, бе йўқ, юр кинога эмиш. Экранни ёришса бас экан.

— Пулдан қалайсан? — деб сўради Ҳусаинов кўчага чиқишиганди.— Бизни кинога судраганингдан кейин, пулини ўзинг тўларсан.

— Унда сизга ялиниб келмасдим. Ўзим кетаверардим,— деди у ясама бепарволик билан.— Биздек ғарибларни сиздек раҳнамолар қанотлари остига олмаса...

— Кўп алжираиверма.—деб уни гапдан тўхтатди Ҳусаинов, хушфеъл бир кайфиятда чўнтагини кавлаб.

— Полапон дегани бирорвинг қаноти остида ўсиши керак-да,—деди у.

Хоин бир истак унинр нигоҳини бари бир Ҳусаиновнинг қўлига қаратди.

— Тўғри, тўғри.—деб унинг гапини тасдиқлади Расулов.—Рустамбой, шундай йигитларни қанотларингиз остига олмасангиз, кимни оласиз.

Ҳусаинов чунтагидан битта йигирма бешталик чиқарди:

— Ма, бизга ўхшаб доцент бўлганингда қайтарасан. Аслида сенга ўзи бир тийин ҳам бермаслик керакку-я.

— Шуям пул бўлди-ю,— деди у хижолатини чапанилик билан босишга уриниб.— Чўнтақда йўқолиб кетади. Бир марта ресторанга киришга ҳам етмайди. Яна, қайтарасан эмиш. Доцент бўлгунимча сақлаб юраманми?

— Юравер шундай. Ресторанга кир, қизларнинг кетидан чоп, костюмингнинг нархи юз сўмдан кам бўлса, кийма. Ишингни эса қишлоқдан отанг соқолини селкиллатиб келиб ёзиб беради.

— Э-э, бўйдоқ одамга пул чидамайди,— деди Расулов, унинг ёнини олибми, Ҳусаиновнинг гапини маъкуллабми...

...Отаси, атрофида кўп русча китоблар, ёзув машинкасини чиқиллатиб унинг диссертациясини ёзиб беряпти. Машинка чиқиллашига монанд соқоли селқиллайди: “Эталон группаларда социал статус проблемасига асrimизнинг умумий концептуал матрицаси нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, бу проблеманинг рационал мағзи...”

Шуни тасаввур қилиб кулиб юборган эди. Ҳусаинов бир оз ранжиди, кинотеатрга етгунча насиҳат қилди, Расулов жўр бўлди, у эса бошини ҳам қилиб, индамай эшишиб борди.

Рустам аканинг насиҳатида йигирма беш сўмининг алами йўқми? Йўғ-э, ўзининг калласига ҳам бўлмағур фикрлар келаверади. Энди, Ҳусаинов ҳам шу боланинг иши юришиб кетсин, деб куйинади-да.

Фильм тугади.

Кинотеатрдан то катта кўчага чиқиб, одамлар селгигунча жим кетишиди. Расулов икки-уч марта унга, Ҳусаиновга қараб кўйди, жимликни бузишга ботинолмай, индамади.

Фильмдаги томоша ҳаётга ҳар ким ўзича бориб келадими, одам, ҳар қалай, томошага бирга кирган шерикларига бетона бўлиб қолади шекилли, фильм тугаб, кинотеатрдан чиққандан сўнг ҳам улардан ғалати суратда ётсираб туради.

Салом, оғайнилар! Танишайлик, мен олдиндан биламан — биз дўстлашиб кетамиз, дегиси келди унинг.

Худди шундай бўлиши керакдек, бараварига тутатишди. У гугурт чақди: ҳовучининг устида аввал Ҳусаиновнинг озгин юзи, кейин Расуловнинг баркашдек юзи ёришди, иккала юз ҳам унга бошқача кўринди — гўё йўлдошлари ундан қандайдир хайрли иш, яхшилик сўраётгандек, у эса гугурт чақиши билан уларни ёритгандек, шу билан хайрли ишни бошлаб юбораётгандек туюлди.

Ўзининг кўнгли ҳам баайни мактаб дафтарида босма қоғоз сингари сиёҳдек томган бу яхши туйғуни зум ўтмай шимиб олди, шу туйғунинг тиник рангига бўялди.

Коронгиликнинг қоронгилиги шундаки, у ҳамма нарсани яшириб туради, хеч нарсани кўрсатмайди. Балки бизнинг кундузимиз ҳам тўла кундуз эмасдир, ундаги ҳамма нарса ҳам кўринавермас? Кундузимиз янада ёришса, биз ҳали билмаган янада яхши нарсаларнинг юзи очилар? Деразадан қуёш нури қия тушса, унинг ёруғида уй чангнинг ҳар бир заррасигача ялтиллаб кўринади. Кундузимиз янада ёришса, осмон бошқача, ранглар янада равшанроқ туюлармиди, кўзимизга ҳаво ҳам кўринармиди?..

Мана, Расулов билан Ҳусаиновнинг юзи кўча коронгилиги учун кўринмаяпти, иккаласининг ўрнида сигареталарнинг ялтироқ қуртдек иккита чўғи йилтираяпти. Илгари уларни кўрмаганда, шакл-шамойилларини оқизгина йилтираётган чўғдангина иборат деб билармиди? Ҳозир уларни фикран кўряпти.

Фикрлашнинг ўзи ҳам — ёруғлик ; фикр фикрлайдиган одамнинг кўзига кўринмайдиган нарсаларни ҳам кўради. Мана, ҳозир у коронғида ҳам Ҳусаинов билан Расуловнинг кўнгилларини кўриб боряпти. Улар, ҳар қалай, яхши нарсаларни ўйлаб кетишияпти.

Расулов бирдан ran қотди:

— Яхши кино экан-а?

— Ростдан ҳам, яхши экан,— деди Ҳусаинов.

У ўртамиёна ишланган фильмдан дам олиб, енгил тортишини ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Чарчоғи ёзилиб, танаси яйраб кетди.

Тасаввурида: боши тоза сув тўлдирилган думалоқ аквариум каби тип-тиник: икки-учта фикрлари эса ўзидан ёруғлик таратадиган рангли балиқчалардек фароғат билан сузуб юрар эди.

Қандай яхши! Майин, салқин ҳаво оғушида, ёнингда сени ёқтирадиган, сен учун куйинадиган оққўнгил ҳамроҳларинг бор. На сен уларга тобесан, на улар

сенга. Оддий, инсоний муносабат — тоза. Ҳеч ким ҳеч кимга ёмон қарамайди, бир-бирини ғийбат қилмайди.

Дилинг равшан, юрагинг санчмайди, ҳеч жойинг оғримайди, оёқ-қўлинг бус-бутун: истасанг юрасан, истасанг — югурасан — яхши!

Ҳамроҳларининг овози унга олисдан эшитилаётгандек эди. Ҳудди қоронғи чорбоғнинг нариёғида, девор ортида у хақда икки киши ғўнфиллаб гапиришяптию у эшитмаяпти, аммо эшитмаса ҳам, ўзи ҳақида яхши гаплар бўлаётганини аниқ кўриб тургандек...

Оралиқдаги ҳаво қуюқлашиб, ҳамроҳлари жуда кичрайиб қолган, сўзлари ҳам, учар қўнғизчалар сингари, учиб келиб унинг қулоғига урилгач, киролмай яна қайтиб кетаётгандек туюлди. “Анавиниси... Догматик йигитми... Ўсувлан харәктер... Мантиқий меъёр... Э-э, Зузунинг феъл-атвори... Ҳа, тузук... Э-э, масаланинг бу томони очилмаган...”

Кутилмагандан уни ҳам сухбатга тортишди.

— Буюк психолог бунга нима дейдилар?—деди Ҳусаинов.

У кўчанинг ёритилган жойига чиқиб қолишганидан норози бўлди. Қоронғилик — ўйлашга ўнғай, қўнгилни фикрларнинг ўзи ёритаверади, фақат қоронғиликда албатта кўзни очиб ўйлаш керак.

— Буюк психологми?— У бир зум гап тополмади.— Буюк психолог ўзидан буюкларнинг фикрлари мағзини чақиш билан банд.

Ҳазили яхши чиққанидан ўзи ҳам хурсанд бўлиб, кўнгли бир яхшилик билан ёришиб кетди.

“Юр,— деди Ҳусаинов ўзлари турадиган ётоққа етиб келишганда.— Чойпой ичиб кетасан. Ё уйингда хотининг ошни сузмай, сени кутиб ўтирибдими?”
“Яхши бўлардику-я,— деди у.— Менга тегадиганини онаси ўпсамми, ўпмасамми, деб турган эмиш. У каттаргунча қоринни тўйғизиб турайлик-чи”.
“Яшанг,— деди Расулов.— Рустамбой, шу укангиз менга жуда ёқиб қолди-да. Сира гапдан ютқизмайди”. “Э, бундан фақат ран оласиз. Мирзақуруқ,— деди Ҳусаинов.— Юриши — бу, лекин сиртига сув юқтирмайди”. “Э-э, одамнинг шундай очиқ бўлгани яхши”, деди Расулов.

Расуловнинг хотини эрига меҳрибон, яна буни қарангки, жуда пазанда экан — қўй гўштини ёғига қовуриб, битта сирланган сатилга босиб, қўярда-қўймай, бериб юборибди. “Э-э, қўй-э, катта шахарда тақирлатиб сатил кўтариб юраманми, Тошкентда ҳам ошхона кўп десам ҳам кўнмади. “Ўзингиз емасангиз, ҳамхоналарингиз ер”, деди”.

Лекин, ҳақиқатан ҳам, Расуловнинг хотини гўшт қовуришнинг ҳадисини олган экан! Угўшти мақтаб-мақтаб еди. Қорни очлиги учунми, умрида бунақа гўшт емагандек туюлди. Кўп еганидан ҳижолат тортиб, Расуловга жиндай хушомад қилди: “Хотиннинг пазандаси — оиланинг фароғати-да. Бу ҳам бир баҳт”. Бу гапдан Расулов, гўшти ўзи қовургандек, анча талтайди, тўла юзларига мамнун бир ифода ёйилди. Ҳусаинов кулиб юборди: “Ҳудди ноудда хотиндан

куйгандек гапирасан-а”, деди. “Э-э, бу киши уйланмасалар ҳам оила нималигини яхши тушунар эканлар”, деди Расулов. “Хотиннинг қадри ўтган-да”, деб хаҳолади унинг ўзи, лекин гапидан ичиди уялиб кетди. “Йўқ, менга қара,— деди Ҳусаинов,— рости ran, сен бола биронта бева-меваникига қатнайдиганга ўхшайсан”, “Хеч ўхшамайман-да”, деди у қизариб.

“Ха, шунақа,— деди Расулов ҳазил-хузулдан кейин.— Ёнингда бўлса, хотиннинг қадри билинмайди. Командировкага чиққанда ё ҳафта-ўн кун меҳмонлаб кетганда хотинни соғинасан одам. Шунда ҳам доим ўйлаб юрмайсан, йўқ,, бирданига — кўчадами, автобусдами юрганингда, бирданига эсингга тушиб, кўргинг келиб қолади. Йўғ-э, Рустамбой, унақа ниятда эмас. Куласиз-а. Бу — бошқа нарса... Шундай пайт-ларда ҳамма ишимни ташлаб, осмон узилиб ерга тушса ҳам уйга қайтаман. Қилган овқатидан тортиб болаларгача соғинаман. Лекин, қизиқ, уйга кириб, хотинимни кўрганимдан кейин, ҳайрон бўламан: шу хотиним, болаларимнинг онаси, нега бунча соғинидим, нега шошилдим — тушуниш қийин. Овқатни тушираман-да, ҳеч нарсага қарамай, ётиб уйқуни ураман. Уйқудан туриб қарайман: ҳаммаси ўша-ўша — хотин ҳам, болаларнинг шовқини ҳам, овқат ҳам. Э-э, маза қилиб дам олиб юрмайманми, уй қочиб кетармиди, деб хуноб бўламан”, “Бошқаларидан тўйиб борсангиз керак-да?, деб илжайдн Ҳусаинов. Расулов қизаринқиради: “Тўғрисини айтсам, бу масалада... Ўзим кўп қизиқмайманми ё менга қизиқишмайдими, ишқилиб, бу йўлдан кўп ҳам юрмаганман.—Расулов дув қизарди.— Тўғриси, уйланганимдан кейин умуман юрмаганман”. “Ростдан-а?!?” деб Ҳусаинов чиндан ажабланди. Расуловнинг лоларанг тус олган юзига майда тер кўпчиди: “Ким билади,— деб ғўлдиради,— ҳеч шунга қизиқиш бўлмаган. Айтяпман-ку, ўзим қизиқмайман, деб. Йўғасам, эркак одам...— Кейин бирор уни шу йўлга бошлаётгандек, нимагадир қаршилик кўрсатиб, сал жаҳланиб,— э-э, биз шу хотин билан қаноат қиласиз”, деди. “Э-э, яхши-ку,— деди Ҳусаинов негадир ўнғайсизланиб.— Бунинг нимасидан уяласиз? Эркак одамнинг ўз хотинидан совимаслигидан ҳам яхши нарса борми!”

“Олдин севишиб, кейин турмуш қурганмисизлар”, деб сўради у, гапининг қуруқлигидан ўзи ҳам ўнғайсизланиб, “Э-э, қаёқда,— деди Расулов гўё ҳафсаласи пир бўлгандек қўл силтаб.— Иккинчи курсдаллгимда уйлантириб қўйишиган. Қишлоқчасига. Саккизинчи синфларда ўқиб юрганида бир-икки кўрган эдим-у, энди, у пайти шунга уйланаман, деган ҳаёл ҳам бўлмаган. Кичкинагина қизча эди. Э-э, кейин ҳам сал бўйи ўсди-ю, лекин бари бир, кичкиналигича қолди. Зоти ориқ. Шу-у, иккинчи курсдалигимда бобой:“Қарияпман”, деб бошни қотирди, момошка “лип этиб бирор илиб кетмасдан шу қизга ҳай дегин”, деб мияни қоқиб қўлга берди. Мен ҳам бошқалар илиб кетаман, деб турса, яхши нарса экан-да, қуруқ қолмай яна, деб шартта розилик бериб юборибман. Э-э, ўшанда тўғриям қилган эканман. Мана, ҳалигача бирон марта хотиндан норози бўлмадик. Ишонасиз-ми, шунча йилдан бери бирон марта чўнтагимни кавламаган”. Ҳусаинов унча ишонмади: “Сизга билдирмай кавлар?”, деди. “Э-э, нима деяпсиз,— деди Расулов бир оз қизишиб.— Неча марталаб синаганман”. “Хотиннинг пулга бепарвоси

бўлмайди,— .деди Ҳусаинов.— Бир ҳисобда, эрнинг пулинин текшириб тургани ҳам тузук. Бўлмаса, биз эркаклар не номаъқулчиликларни қилмаймиз”. “Синадим, синадим, қарасам, пулга тегинмайди,— деб гапида давом этди Расулов.— Кейин-кейин, қанча топсам, ҳаммасини қўлига берадиган бўлдим. Шу яхши экан, Рустамбой, пул хотиннинг қўлида турса, бекорга харж бўлмайди”. “Энди, бу қандай хотинлигига боғлиқ,— деди Ҳусаинов.— Бир хил хотинлар борки, қўлига бир сўм тегса, дарров магазинга чопади, пул деса ўзини томдан ташлайди. Бунақаларга пул тутқазиб бўладими? Эрини хонавайрон қиласи-ку. “Э-э, бизнинг хотин,— деди Расулов,— бир тийинни ҳам бесўроқ сарфламайди. Лекин, масалан, ўзим ҳам уни ўз ҳолига ташлаб қўймайман-да. Қани, хотин, айт, нима олиб берай, нимадан камчилигинг бор, болаларингга нима керак, дейман. Тўғрими? Хотин ўзимники, деб унга қарамай қўйиш ҳам инсофдан эмас-да”.

У Расуловни ёқтириб қолди. Бир оз тўпорироқ, ёқаси ғижим, галстугини ёғ босиб юрадиган шу содда, дилкаш одамга ҳаваси келди — баҳтли экан, дунёдан зерикмай, ҳасрат нималигини билмай ўтади. Лекин жуда кўп “э-э” деяверар экан.

Ҳусаинов Расуловнинг гапидан зерикдими ё бирон нарса эсига тушдими, бирдан хомушланди. Сухбатга бошқа аралашмади, чой дамлаб келди-да, соатига қараб, унга: “Кеч бўлди, бугун ётиб қолавер”, деди. У бош чайқади.

У квартирасига жўнади.

Келса, уйнинг хўжайини йўқ.! Шунаقا кунлар учун жонингни берсанг ҳам арзиди!

Маёт одамнинг изҳори дилини тинглашдан ҳам оғирроқ иш борми дунёда? Сен ҳам маст бўлсанг, майли эди. Маст — сен яшаётган уйнинг эгаси бўлса, устига-устак сендан бошқа одамга “юрак сирлари”ни очмаса, бу ҳам етмагандек, сени ўзича хурмат қилса. Икки гапнинг бирида буни таъкидлаб турса. “Мен сендан ўн ёш каттаман-у, лекин олдингда, худди сен акамдек, довдираб қоламан”, деб турса. Албатта, бу гапни доим айтмайди, лекин айтгандан кейин одатда пул сўрайди...

Тун ярмидан ошиб, шаҳар тинчиган, жимликни ора-сира катта тезлиқда ўтиб қолган машиналарнинг шувиллаши бузар эди. Дераза очиқ қолгани учун уйнинг ҳавоси тоза, салқин. Тўйиб-тўйиб симиргинг келади.

Бугун ростдан ҳам бошқача кун.

Жин урсин ҳамма ташвишу йўқ ердаги ҳасратлар-ни! Шунча ёшга кириб ҳам қанақа одамман, деб иккиланиб юрсанг. Ичингда, қўнглингнинг туб-тубида ўзингнинг яхши йигит эканлигингга ишонасану, яна буни албатта бошқа бирор — ичингдаги бошқа бир одам исботлаб бериши шартдек, ахтариниб юрасан. Қанақадир жўшқин фаолиятсизлик.

Одам ўзини яхшиманми, ёмонманми, деб қийнамаслиги керак. Сабаби: охир-оқибат жавоби битта бўлади — ҳеч ким ўзи хақида ёмон хulosага келмайди. Мен хомкалла, аҳмоқмэн, бўрининг тиши, арининг нишиман, йўқ,

итнинг кейинги оёғиман, деб ўзини-ўзи роса сўқади-ю, кейин бу сўкишларни йўққа чиқарадиган сабаблар ахтаради, ҳамма айбларини турмушга, бошқа одамларнинг уддабуронлигига ағдарадида, ўзини оқлашиб олади. Обдон оқлагандан кейин қараса, ўзи яхши одам экан; унга етишолмаган, ундан бўлолмай юрган одамлар қанча? Шундай экан, иккиланишни бас қилиб, қандайлигингга қарамай, яхши ишларга бирданига тутинаверган маъқул. Шунда, ёмон бўлсанг ҳам, ўз-ўзидан яхшиланиб кетаверасан.

Энг асосийси — ишонч. Йилт этган ёруғликсиз зулмат бўлмайди. Зулматга эмас, ўша ёруғликка қара. Одамга кўз фақат кундузи юриш учун эмас, кечаси — зулматда йўл топиш учун ҳам берилган. Атайлаб кўнглингни шабкўр қилма.

Сен қизни ҳам топасан. Нега топмас экансан? Шунча қийналишларинг эвазига уни албатта топасан.

Қизлар билан дўстлашдинг. Мастурани эслайсанми, қандоқ қиз эди! Ака-сингилдек яқин эдиларинг. Ҳамма сирларини сенга айтарди. Акром деган ҳамқишлоғи совчи устига совчи юбориб ҳол-жонига қўймаётганини, онаси эса, Эркин деган қариндошига тегасан, деб мажбурлаётганини гапиради. “Акром акани ҳар куни кўраман, автобусда кузатиб келади, ўқишдан қайтишимда кузатиб кетади. Фақат узоқдан. Ўзи келиб бир оғиз гапирса нима қиласди, а? Ҳадеб совчи юбораверадими? Ўз қадрини ўйламайди-ми? ўзим гапирай, десам уяламан. Раҳмим келади. Автобусда мана бундай ғўдайиб олади.— Мастура ўша Акром деган ғўдайганинг туришини кўрсатиб, ўзи ҳам кулиб юборади.— Йигит ҳам шунақа бўладими?.. Эркин билан бирга ўқиганмиз. Ёмон бола эмас. Мактабдан кейин ҳам одамга ўхшаб саломлашиб юрардик. Шу, онам билан онаси келишиб олгандан бери, мени кўрса, бир чақиримга қочади. Кўролмаяпман. Бир гапириб ташлардим. Э, эркак, ким уйланмоқчи: сенми, менми... Қаранг, кимларга дучорман: биттаси гунг, ёнимда, унисининг тили бор-у, лекин ҳеч тутқич бермайди...” Кейин, умуман эрга чиқишини хоҳламаслигини, тоза ҳаволарни, баланд қирларни, кенг даштларни, қаттиқ шамолларни яхши кўришини соатлаб ҳикоя қиласди: “Сизлар томон дашт, а? Ҳай, дашт бўлмаса ҳам, даштга яқиндир? Мени олиб борсангиз, даштга чиқсан... Қаттиқ шамол турса! Одамни учирадиган зўр шамол бўлмайди-да, а? Шу даштга чиққанимда шамол мени учириб кетса-да, кейин узоқ.-узоқ олиб юриб, аста ҳеч ким йўқ бир жойга қўйиб кетса... Учирмаса ҳам, қаттиқ эсса, майли. Фақат чанги ёмон-да, а? Тоза бўлса-да...” Тўртинчи курс охирларида Мастура ўша тутқич бермас Эркинга турмушга чиқди. Эркинбой Мастуранинг йўқ дейишидан кўрқиб қочиб юрган экан. Фотиҳа қилинганидан кейин ўзини туппа-тузук кўрсатибди, бинойидек тили ҳам бор экан. Тўйларига гала курсдош бир бўлиб бординглар. Сизларни кутиб олишга чиққанда Мастура сал-пал йиғлагандек бўлди, қизлар уни кулиб-кулиб, ҳавас билан овутишди. Тўйдан кейин Мастура ҳафта ўқишига келмади, келганидзн кейин эса илгариги Мастура эмас, мутлақо бошқа — эрлик жувон бўлиб келди. Ака-сингиллик муносабатларинг ҳам бирданигз барҳам топди. Унинг сенга айтадиган гапларининг вақти ўтиби, янги гаплари эса сенга аталмаган эди. Худди Мастура сенга бевафолик қилгандек. Майли, эрга тегсин, лекин ҳозир шартмиди, битирганимиздан кейин турмушга чиқса

бўлармиди... ҳозирдан рўзфорга ўралашиб... хуллас, шунақа мужмал бир алам уйғонди кўксингда. Маствурадан сенга нима кераклигини ўзинг ҳам билмасдинг. Айни пайтда, Мастура турмушга чиқиб, сенга бегоналашгач, ахир, кундузлари дарсда ухлаб қоладиган келинчак, ўзи ҳам уйланса бўладиган йигит билан уйқусининг сабаби ҳақида гурунглашолмайди-ку, қандайдир эркинликка чиққандек ҳис қилгансан. Қизлар билан юришга эрк берадиган эркинлик. Хадича... сени Маствурадан рашик қилган ва Маствуранинг сенга жиддий кўнгли бўлганлигини ва буни курсдаги ҳамма қизлар билганлигини ва сени латталик қилди, деб ўйлашганини ва унинг ўзи, яъни Хадича муносабатларингнинг худди шундай тугашини олдиндан билганлигини ва сабр билан кутганлигини ва, ниҳоят, энди сен ўзиники эканлигини кўзлари йилтилаб айтиб берган ва сени, сени тамомила ўзиники қилиб олишга тайёрлигини билдирган... Ана ўшанда сен Маствуранинг тоза ҳаволари ҳам, баланд қирлари ҳам, кенг даштлари ҳам, қаттиқ, шамоллари ҳам яккаю ягона ўзинг бўлганлигини тўрт йил кечикиб билгансан. Билгансану Хадичадан ҳам ўзингни торт-гансан... Маствурадаги айрим белгиларни Ўғилойда кўргандек бўлиб, у билан ҳам бир оз юриб кўргансан. Кейин Сабиҳа... Кейин кўнглингда бўм-бўшлиқ бошланган. Сен билан юриш уларга яхши сабоқ: бўлганми, кейин бу қизларнинг ҳаммаси турмушга чиқиб, баҳтини топиб кетибди. Улардан бирортасини ҳам ёмон йўлга бошламаган эдинг, бирортасини баҳтли қилмаганинг каби, баҳтсиз ҳам қилмадинг. Энди Зухра... Бу ҳам қарайди-қарайди, кейин ҳафсаласи пир бўлиб, турмушга чиқади-кетади.

Қизлар сенга орқаваротдан “авлиё” деган лақаб тақишиган. Йўқ, сенинг авлиёлигинг қолдими? Ўн ол-ти ёшли йигитгина муҳаббатда авлиё бўлади. Сенинг ёшингдаги йигитларнинг муҳаббатига анча-мунча нарсалар илашган чиқади.

Лекин, бари бир, поксан. ўша қизнинг олдида поксан. Севсанг — поксан. Севги ҳамма нарсани поклайди. Балки ўша қиз ҳам сенга ўтмишидан покланиб пешвоз чиқар?..

Уни шунча йил муштоқлик билан кутганингни, юрган қизларингни, кўнглинг бўм-бўш бўлиб, бу бўшлиқни ҳеч нарса билан тўлдиролмаганингни унинг ўзига бирма-бир сўзлаб берасан.

Секин-секин, осуда-осуда, юрагинг аланга олгунча, тафти унинг кўзларига ўтгунча сокин ҳайқири билан шивирлаб сўзлайсан.

Ундан ҳеч нарсани яширмай, ҳаммасини айтиб берасан.

Махбублар ўртасида айтилмаган ran қолмаслиги керак Айтиб беравер. Севган қиз маҳбуби ҳақидаги гапларни бошқалардан эмас, оғир бўлса ҳам, унинг ўзидан эшитиш зарур. Фақат жасоратли одам эмас, гуноҳини жасорат билан тан олган ҳам — мард.

Ҳар қандай иш ҳам албатта якун топади. Кутиш ҳам. Излаш ҳам. Азоб ҳам. Қолаверса, баҳт ҳам.

Эртадан, ўрнингдан турибоқ янги ҳаётни бошла. Сенга диссертация фақат ёқлаш учун керак эмас-ку, бу ҳам — борлиги номаълум нарсани излаш. Олимлик илм ҳақида гапириш билан эмас, иш билан бошланади.

Юрасанми сабирларга қўшилиб, аввалбойларни ғийбат қилиб. Атрофингга кўзингни каттароқ очиб қара. Султон акадан ёзғиран, уни ҳам тушуниш керак. Яхши одам, лекин ҳаётда унга ҳам нимадир алам қилган, нимадир уни четлаб ўтган. Уста бўлишга уринган-у, нимадир етишмаган, ишқилиб, энди илмда яшай бошлаганида кўнглининг қаериdir дарз кетган-да, шу аҳволга тушган. Йўқ;са, се-нинг ёшингда у ҳам қандайдир катта нарсаларни кутган.

“Э-э,—дейди онанг,— бу дунёда, ишқилиб, одамнинг баҳти қайтмасин; бир қайтгандан кейин...”

“Баҳт одамга бирдан келмайди, болам,— дейди доно кампир.— Аста-аста келади: нарвонга бирдан чиқмайсан... Лекин кетганини билмай қоласан...”

Ҳикмат. Яшаш илми сенинг диссертациянгдан чукуррек..

Қара атрофга: одамлар ишлаяпти. Ҳатто шу, Собир ҳам, нияти фақат ёқлаш бўлса ҳам, ишқилиб, бир мақсадга тирмашади.

Нега анов мушукпарвар хотинни кўриб асабинг бузилади? Майли, бу ҳам — бир эрмаги-да. Шўрликнинг боласи йўқдир, турмуши бузилгандир, ёлғиздир, бу дунёдаги яккаю ягона овунчоғи, эҳтимол, мушукдир. Унинг ҳам нимагадир меҳр қўйгиси ке-лар...

Табиат одамни меҳрли қилиб яратган: ўзга вужудга бағишлиши учун. Ўзида меҳрни тўплаб, ҳеч-ким, ҳеч нарсага харжламай юрган одам дард топади. Ўзини ёмон қўриш дардини.

Сенга меҳр кўргазганлар кўп-ку. Яхши одамлар ичида яшаяпсан. Султон акага қўрс гапириб юборганингнинг сабаби ҳам, унинг эртага сени кечириб юборишини билганингда: у ҳам сенга меҳр қўйган. Ҳусаиновни ҳам ўзинг қийналган пайтингда йўқлаб борасан — биласанки, у ҳам сенга меҳрини беради.

Ленин ўзинг ҳали бирорга тузукроқ меҳр кўргизганинг йўқ..

Бу ёмон!

Бирдан у ишхонадаги телефонини ўйлади. Телефон жиринглаётган эди, лекин товуши қайдадир, йўлда, шаҳар осмонининг қаеридадир, худди қумлоқ-қа сингиб бораётган жилғадек ҳолсизланиб, йўқолиб, бу ергача етиб келмаётган эди.

Шаҳарнинг қаеридадир унинг товушини эшитишга интиқ бўлган ўша қиз телефон трубкасини қулогига тутганча, кршларини чимириб, ажабланиб турибди... Қайта-қайта телефон қиласди, хуноб бўлади, “Қана-қа бетайин йигит экан, телефон қилинг, кутаман, дегандан кейин, кутмайдими ахир”, деб жаҳли чиқади... “Адресини билмасам, телефонимни айтма-ган бўлсан, қиз бошим билан уни қандай ахтариб топаман?”, деб ўксинади...

Ишхонасига бориб келсами?

Телефон товуши хонасининг эшиги, деразалари тирқишидан сизиб ўтиб, бутун ишхонани тўлдиряпти, осмонга тараляпти — уни излаяпти.

Назаридা, телефон жон-жаҳди билан уни чақираётганидан ҳозир, мана, ҳозир дарз кетадигандек туюлди.

Ишхонагача бир соатлик йўл. То етиб боргунча...

Эртага, эртага...

У яна дераза олдига борди.

Яна бир машина, олдидаги йўлни чироқлари билан пайпаслаганча, худди қоронғиликдан қўрқаётгандек, ерга пусиб-қапишиб ўтди.

У деразага орқа ўгириб, хонасига қаради: ўзини тўрт девор билан ҳимоялаб олган хона ҳаддан ташқари беибо ёришиб тургандек, уни масхаралаётган-ек кўринди. У ўзида хонасига нисбатан ғалати бир душманлик туйди. Аччиқ бир хузур билан бориб чирокни ўчирди.

Қоронғилик лип этиб ўзини ичкарига урди, хонани ҳам, уни ҳам ўзига қўшиб олди.

Зулмат унинг суяқ-суякларигача сингиб кетган-дек, ҳатто фикрларини ҳам бир текис — қора, унсиз бир тусга бўяб юборгандек туюлди.

“Тун мени ютиб юборди.

Тун сени ўраб турган ҳамма нарсани ўзига сингдириб олди.

Ёлғиз, яланғоч қолдинг, юрагим!”

Лекин дераза чорчўпи юлдузларга тўлиб кўринди: ёруғлик элаётган ғалвирдек...

У яна дераза ёнига борди. Шаҳар кўринишидан боягидек эркинлик туйди. Кундуз яхши — одамларни кўриб турасан, уларнинг юзлари ёришиб турганини кўрасан. Одам ёруғда туриши керак. Одам ёруғда юриши керак.

Тун — ёлғизлик. Лекин тунда ҳам ерда — чироқлар, осмонда — юлдузлар: қоронғилик жуда-жуда катта бўлгани билан, ост-усти ғалвир, барри илма-тешик, бу тешиклардан зулумотни ёндирадиган ингичка аланга тиллари ўсяпти...

Тўққизинчи қаватдан қарасанг, сен ҳаммадан юксакда, тунги шаҳар эса пойингда сукут сақлаб, сенга тобе — фармон кутиб ётгандек кўринади.

Саҳарлаб турман-да, абадий яшайдигандек ўйлаб, эртага ўладигандек, шошилинч ишга киришаман, деб қатый фикрга келди у.

Кўча жимиди. Чироқларнинг ёғли нурида кундуз терисидек йилтираб, ниманидир кутиб қолди. Кўча четидаги дараҳтлар, симёғочлар, симёғочлардан тортилган, чироқлар тагидаги бир қулоч-бир улоч жойлари сарғиши товланаётган трамвай симлари ҳам, беш-олтитагина кўзи қоронғиликка аланглаган уйлар ҳам, ҳатто учган деразалар ҳам кўча кутаётган муждага соме бўлиб қотиб турарди.

Кўчанинг у бошидан яна бир машина кўринди, ўзидан олдин енгил шувиллаши келди.

Ҳаммаси ҳавои гаплар — бугун ҳаётни қайта қуришга сўз берасан-да, эртага кечагидек яшайверасан, деб ўйлади у, кўнглининг туб-тубидан ўрмалаб келаётган иккиланиш билан.

Йўлдаги машинанинг чироқлари ўчиқ эди.

Ленин, бари бир, бугунги кун беиз ўтмайди: қўнглимда бугун нимадир енгилди, нималардир бош кўтардилар; эртадан қандайдир ўзгаришлар нишона беради; одам бир нарсани тубдан ўйлаб олса-ю, ҳеч нарсани ўзгартирмаса, яна шундай яшайверса... Йўқ, мумкин эмас — эртадан нимадир яхши нарса бўлади, деб ўйлади у шикаста бир ишонч билан.

Шаҳар юлдузли осмон остида чироқларини пирпиратиб, яшнаб-ястаниб ётар эди. Шу ётишида асотирлардаги жуда баҳайбат, жуда улкан жуссали афсонавий тирик жонзотга ўхшаб кетарди — қандайдир хушфөъл, соддадил, хайрҳоҳ... ҳозир эса хоргин сукунат қўйнида тамшаниб-тамшаниб туш кўрар, аҳён-аҳёнда энтикиб, кўзлари очик ухлар эди.